

# Байрамингиз билан, азиз устозлар!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 9 (238)


2015 YIL, 28-oktabr

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!!!

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 5 октябрдаги 381-сонли буйруғига асосан номдор стипендия соҳибига айланган институтимизнинг иқтидорли талабалари!



**ОДИЛОВ  
ОРИФЖОН  
ОДИЛЖОН ЎҒЛИ**  
Навойи номидаги  
давлат  
стипендияси  
соҳиб

Ўзбек тили ва адабиёти  
факультети  
талабаси



**ОБИДОВА  
ДИЛНОЗА  
МАҚСУД ҚИЗИ**  
Навойи номидаги  
давлат  
стипендияси  
соҳибаси

Педагогика  
факультети  
талабаси



**ЭШОНҚУЛОВ  
ЭРКИН  
СУЯРҚУЛОВИЧ**  
Улугбек номидаги  
давлат  
стипендияси  
соҳиб

Табиатшунослик  
факультети  
талабаси

*Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.*

*Ислом КАРИМОВ.*

## ХАБАРЛАР

### ТИЛ - МИЛЛАТ КЎЗТУСИ

23 октябрь куни ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ўзбек тили ва адабиёти факультетида «Тил - миллат кўзгуси» мавзусидаги илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни факультет декани п.ф.н. Қахрамон Ядгаров очиб берди. У ўз нутқида ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ўз даврида нақадар қалтис ва машаққатли кечганлиги ҳақида тўхталиб, «Жамиятимиз ҳаётида бу воқелик халқимиз эришган энг улкан ютуқлардан бири эди, том маънода мустақиллигимизнинг илк шабадаси бўлди», дея таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг ўзбек тили ўқитиш методикаси кафедраси профессори Х. Жўраев сўзга чиқиб, ўз даврида ҳазрат Навоий туркий тилнинг форс тили асоратидан қутқариш борасидаги хизматларига атрофлича тўхталди. Анжуманда сўзга чиққан кафедра доцентлари Б. Файзуллаев ва М. Турсунпўлатовлар 80 йиллар охиридаги республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳукм сурган вазият, ана шундай паллада ўзбек тили софлигини сақлаб қолишга бўлган кураш ва миллий тилимизга давлат мақомининг берилиши воқелигини талабаларга ҳикоя қилиб бердилар.

Анжуманда факультет талабалари ҳам тил ва унинг миллат келажиги ва тақдирида тутган ўрни тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Гулноза ИРИСЕВА.

## Дарслик нашрга тавсия этилди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан Республика олий ўқув юртларининг география ўқитиш услубияти йўналиши талабалари учун «Топонимика» дарслиги нашрга тавсия этилди.

Қувонарлиси шундаки, ушбу дарслик муаллифи қатор йиллардан буён мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган ва илм аҳли ҳурматиغا сазовор бўлган олимимиз - институтимизнинг география ўқитиш услубияти кафедраси мудири, доцент Кўчқорбой Ҳақимовдир. Олимнинг бундан олдин ҳам топонимикага доир бир қатор илмий рисолалари чоп этилган бўлиб, кенг китобхонлар оммаси, шу жумладан талаба-ёшларимиз фойдаланиб келмоқдалар.

А. ШАРИПОВ.

## ОДДИЙ МУАЛЛИМ

*Қадри билинади энди менга гоҳ,  
Олис мактабимнинг ўша беҳашам...  
Навойику бизга устоздир, бироқ -  
Кимдир ўқитганку Навоийни ҳам.  
Шундай буюк зотга харф ўргатган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Тупроқдек хокисор, безовта жонлар,  
Аммо қаноатда тоғдек улуғвор.  
Хатто Темурдайин Соҳибкиронлар  
Пирим деб этагин ўпган зотлар бор.  
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Йўқдан Берунийлар бинолар қилган,  
Машрабни машхури дунёлар қилган,  
Хусайини Ибн Синолар қилган,  
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,  
Илон ўйнатгандай сўз ўйнатган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Бу ҳаётнинг нишу санчикларидан,  
Қокилса кўтаргай кўлтиқларидан.  
Отадай эзилгай гуссага ботса,  
Боладай қувонгай ютуқларидан.  
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Улфат кўпу, аммо бир дўсти хамроҳ,  
Ҳалим тополмадим ундан халимроқ!  
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ -  
Олим тополмадим ундан олийроқ!  
Бола юрагимда бебаҳо тилсим -  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

*Юзга кираман мен, Худо хоҳласа,  
Юз йилдан кейин бир мўъмин ўртоғим  
Юзим ёпиб қўйса, жағим боғласа,  
Сўнгги сафар сари отланган чоғим  
Фақат бир инсондан бўлади қарзим,  
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!*

Муҳаммад ЮСУФ,  
Ўзбекистон халқ шоири.

# ЎЗБЕКОНА ЛУТФ ИЛА ИНГЛИЗЧА СЎЗЛАШАДИ

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганларидек, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Қалби эзгулик ва меҳрга лиммо-лим мауллимларнинг масъулиятли меҳнати туфайли ёш авлод илм-маърифатга ошно бўлиб улғаяди, келажакнинг ишончли ворисларига айланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлодни вояга етказиш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, жаҳон талабларига мос равишда янги педагогик технологиялар билан биргаликда янги ўқитиш тизими жорий этилиши, нафақат ўқитувчиларга, балки, таълим олаётган ёшларга ҳам қулайликлар яратаяпти.

Айниқса, бугун дунё миқёсида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри баҳо бериш ва хорижий давлатларга чиққанда бемолол мулоқот олиб боришлари учун ёшларни жаҳон тилларида сўзлаша олишларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, давлатимиз томонидан инглиз тилини ўқитиш бўйича қабул қилинган қарорлар ўқитиш тизимига жадаллик билан киритилаётир.

Мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий ўқув юртлирида инглиз тилини ўқитиш ишига катта эътибор қаратилиб, ўқитувчиларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ўқиб малакаларини ошириб қайтмоқдалар.

Шундай фидойи инсонлардан бири, қарийб ўн йиллик педагогик фаолияти давомида юзлаб иқтидорли ёшларни тарбиялаб, мамлакатимиз илм-фани довуғини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган институтимизнинг чет тиллар факультети инглиз тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири Дурдона Каримовадир.

Дурдона Каримова Ҳиндистон, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари сингари давлатларда ўзбек тили, маданияти ва урф-одатини тарғиб этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

У ўзини бахтиёр инсон деб билади. Чунки, унинг кўплаб шогирдлари бугун эл-юртимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг айримлари халқаро ва мамлакат фан олимпиадалари голиби бўлган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси, Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлганлар шулар жумласидан.

Олийгоҳимизда кўплаб тажрибали ҳамда ўз фанининг билимли устозлари бор. Аммо, ўқитувчимиз Дурдона опанинг дарс ўтиши менга ва курсдошларимга жуда ҳам ёқди, - дейди хорижий тиллар факультети талабаси Умида Йўлчиева. - Устоз инглиз тилини мукамал билишлари билан бир қаторда талабалар билан осон тил топиша оладилар.

Тажрибали ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид кўплаб ўқув-услубий қўлланмалар, рисолалар муаллифи ҳамдир. Жумладан, «Scale up», «Student Book», «Work Book», «Teacig Book» каби махсус қўлланмалари устознинг узоқ йиллик педагогик фаолияти маҳсулидир.

Ёшларимизнинг илмга ташналиги менга куч-ғайрат бағишлайди, - дейди Дурдона Каримова. - Бугунги ёшлар фақат олий ўқув юрти талабаси бўлиш билан чекланмай, халқаро олимпиадаларга чиқиш, мамлакатимизнинг юксак интеллектуал салоҳиятини дунёга кўз-кўз этиш учун ҳам интилади. Президентимиз таъкидлаганларидек, бундай ёшлар эртанги кунимизнинг муносиб ворислари, бугунги эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлишади, албатта.

Илм олмоқ инсоннинг гоят олий ва муқаддас фазилати эканлигини яхши англаган қаҳрамонимиз келажак эгаларини тарбиялашдек шарафли ҳамда машаққатли касб эгасилиги билан фахрланади. Илм кишига икки дунё фароғатини ҳаё қилар экан, устозни касбий фаолиятида бардавонлик тарк этмасин. Умид қиламизки, Дурдона Каримова каби таълим фидойиларининг сафи кенгайиб бораверадир. Улардан илм сирларини ўрганаётган ёш авлод вакиллари эса мамлакатимиз довуғини дунёга танитишдек масъулиятли вазифаларни сиз қилидан адо этадилар.

Суратда: чет тиллар факультети инглиз тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудири Дурдона Каримова. Ўзбек маданиятининг АҚШдаги кўргазмаси пайтидан лавҳа.

Акмал БИНОҚУЛОВ,  
«Зиё чашмаси»нинг  
жамоатчи муҳбири.

Нигора ҲАСАНОВА,  
мусликий таълим  
йўналиши талабаси.



## Миллийликка тажовуз ёхуд ёшларнинг маданияти

«Маданият» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «Тараққиёт», «Цивилизация» деган маъноларни англатади. Демак, маданият-бу тараққийлашиш, юқорилашиш демакдир. Маданиятли кишилар эса чуқур библиолишга, миллий маданиятини ҳурмат қилишга интиладилар. Шунингдек, қайси халқнинг миллий маданияти, миллий қадриятлари бойиб борса, ўша халқнинг маънавияти, маънавий ҳаёти ҳам бойиб, юксалиб боради.

Ўзбек миллий маданиятига манаман деган дунё халқлари ҳавас билан қарашади. Беназир урф-одатларимиз, миллий либосларимиз, ўзбекона муомала маданияти-мизни дунёнинг ҳеч бир бурчагидан топмайсиз. Аммо айрим ёшларимиз ўз миллийлигимизни чет элнинг қандайдир «мода»ларига алишмоқдалар. Интернет тармоғи орқали таралаётган турли «оммавий маданият» оқимиға тушиб қолишмоқда.

Маълумки, мустақил Республикаимизда хорижий тилларни мукамал ўрганиш бугунги кунда умумхалқ эҳтиёжига айланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртбошимизнинг чет тилларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ, албатта. Аммо мана шу имкониятлардан ҳозирги ёшларимиз қандай фойдаланишмоқда?

Чет эл маданиятини, урф-одатини ўрганиш деган деб ўз миллийлигимизни унутиб қўйишимиз тўғримики?

Ахир бизнинг мақсадимиз чет эллик ажнабийларни эмас, балки чет тилини мукамал биладиган ўзбек мутахассисларини тайёрлаш эмасми?

Чет тилини, Европа маданиятини, урф-одатини мукамал ўрганиш керак дегани бу уларнинг маданиятини, урф-одатини батамом ўзлаштириб олиб, ўзлигини йўқотиши керак, дегани эмас!

Кўча-кўйда баданига турли хил татировкалар чиздириб, галати соч турмаклари билан, очик-сочик, миллийлигимизга мутлақо зид бўлган кийимларни кийиб юрган ўғил-қизларни кўриб дилимиз анчайин хуфтон бўлади.

Аслида чет тилини ўрганиб, дунё кўриш, дунёқарашни кенгайтириш, интернет тармоғидан билим ва ахборот олиш мақсадида

фойдаланиш керак! Яхшини ёмондан, оқни қорадан фарқлаш учун эса ёшлар онгига маънавий уруғларини экиш даркор.

Сўзимизнинг шу ерига келганда ҳурматли ўқувчиларимизда янглиш тушунча уйғониб қолмаслиги учун бир масалага аниқлик киритиб ўтайлик. Тўғри, турли хил миллат ва элатлар маданияти, урф-одатларини ўрганиш - бу ёмон нарса эмас. Қолаверса буюк қомусий олим - ажлодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам «Ҳиндистон» асаридан бирор халқ ёки элат маданияти ҳақида сўз кетганда уни камситишга, ўзидан паст баҳолашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги ҳақида айтиб кетганлар. Шунингдек, буюк жадид намоёндаси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам турли халқларнинг урф-одати, тили ва маданиятини ўрганишга чақириб «Бир тил эмас, тўрт тил лозим» мақоласини ёзганлиги ҳам бор гап. Лекин бирор манбада ҳали ҳеч ким ўз маданиятинини қўйиб ажнабий маданиятга эргаш, деган эмас!

Хулоса ўрнида...

Келинг, яхшиси хулосани ўзингизга қолдирайлик. Лозим бўлса биз таомни пиширдик, сузиб ичиш ўзингизга ҳавола, азиз ўзбек ёшлари!

Зулфизар ТАШАНОВА,  
инглиз тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

# Хўжандий «Латофатнома»сининг бадий хусусиятлари

Талабалар тадқиқоти

Донолар адабиётни чаманзорга қиёс қиладилар. Бу бўстонда эса бир бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган шоир ва ёзувчилар авлоди қайта-қайта бўй чўзаверади. Адабиёт бўстониининг ўзига хос ёзиш услуби, бетакрор бадий санъат намуналари билан бойитган ижодкорлардан бири Хўжандийдир.

Хўжандий ўзининг «Латофатнома» асари билан Муҳаммад Хоразмий асос солган номачилик анъанасини бошлаб берди. «Латофатнома» гарчи «Муҳаббатнома»га жавоб тарзида ёзилган бўлсада, ундан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, Хоразмий «Муҳаббатнома»сида биз газал, қитъа, фард, маснавий каби жанрларни учратишимиз мумкин. Хўжандийнинг асари эса тўлигича маснавийда битилган. Хўжандийнинг «Латофатнома»си Хоразмийнинг бадий маҳсулидан озикланган ҳолда вужудга келганини таъкидлаб, бошқа асарлар билан солиштириб, асарнинг ўзига хос қирралари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Хоразмий «Муҳаббатнома»сининг «Баёни воқеин айтур» қисмида шундай сатрлар келтирилган:

*Кўнгил баҳринда кўп гавҳарларинг бор,*

*Очунда порси дафтларларинг бор.*

Бу сатрларда кўнгил дарёга қиёс қилинмоқда. Унда бебаҳо гавҳарлар яъни маънодор сўзлар бисёр эканлиги таъкидланмоқда. Хўжандий «Латофатнома»сида эса:

*Тафаккур баҳрига ботдим хижобсиз,*

*Чиқардим дур-у гавҳар хисобсиз.*

-деб ўзига хос ўхшатиш қилинади. Яъни тафаккур денгизига мен ҳисобсиз ботдим, ундан беҳисоб дуру гавҳарларга тенг сўзларни ёздим, демоқчи бўлади шоир.

«Муҳаббатнома»да:

*Агар минг йил тирилса Хотами Тай,*  
*Анинг отин эшитгач ерлар ўпгай.*

-дея Муҳаммад Хўжабек ҳақида фикр юритилса, «Латофатнома»да:

*Саховат бобида чун Хотами Тай,*  
*Шижоат мулкида чун Ковуси Кай.*

-дея Султон Маҳмуд васф қилинади. Хоразмий:

*Агар десам сени Рустам ёрарсен,*  
*Қиличнинг бирла сафларни ёрарсен.*

-дея, Хўжандий:

*Қиличнинг ҳайбатидан Рустами зол,*  
*Қилибтур дунёга дур ичра инзол.*

-деб Султон Маҳмудни Рустамга қиёслайди. «Латофатнома»да Султон Маҳмуд мадҳ қилинар экан, унинг юзини кўриб қуёш ҳам тоқат келтиролмай ерга қулаб тушгани ҳақида айтилади. Яъни:

*Қуёш юзинг кўриб ерга йиқилди,*  
*Адоғинг тупроғини сурма қилди.*

Сайфи Саройининг «Сухайл ва Гулдурсун» достонида эса «Сухайлнинг чоҳда ётмиши» қисмида шундай сатрлар бор:

*Гунаш дунё юзиндан чоҳга ботди,*  
*Узилган гул тегин тупроқда ётди.*

Яъни Сухайл қуёшга қиёсланган ва унинг чоҳга тушиш тасвири узилган гулнинг тупроқда ётишига қиёсланмоқда.

Хўжандий «Латофатнома»сида:

*Сўз айтмоқ сиз бикин доно котинда,*

*Кудуқ қазмоқ эрур дарё котинда.*  
-дейилган, яъни, Султон Маҳмуд жуда доно бўлганига ишора қилган ҳолда унга қарата «Сиздай дононинг олдида сўз айтмоқ гўё дарё ёнида кудуқ қазимоққа ўхшайди», демоқда.

Юсуф Амирийнинг «Даҳнома»сида эса сув ёқасидаги одамга сувни совға қилиб, эвазига тилла олган киши ҳикояси келтирилган.

Хўжандий «Латофатнома»сида шун-

дай сатрлар бор:

*Жамолингни кўриб гул гунча бўлди,*  
*Тор оғзингдек гулгунча бўлди.*

Яъни сенинг чиройингни кўриб гул хижолатдан ёпилиб қолди, юзини яширди. Унинг гунчаси эса сенинг оғзингга ўхшайди. Бу тасвир «Латофатнома»нинг бошқа бир ўрнида шундай ёзилган:

*Саҳар гулгунчаким оламга кулди,*  
*Тор оғзингни кўриб гул гунча бўлди.*

Тонг пайтида гулгунча очилди ва оламга кулиб боқди. Оғзингни кўриб унинг чиройидан хижолат бўлиб гунча холатига ўтди. Усмон Носир эса ўз ижодини, шеърларини шундай баҳолаган:

*Шеърим, яна ўзинг яхшисан,*  
*Боққа кирсанг гуллар шарманда,*  
*Бир мен эмас ҳаёт шахисан,*  
*Жоним каби яшайсан манда.*

Атоий:

*Жамолинг васфини қилдим чаманда,*

*Қизорди гул уётдин анжуманда.*

-деб ёри гўзаллигидан гул уялиб, қизарганини айтмоқда. Хоразмий «Муҳаббатнома»сининг ҳар бир номаси сўнида маснавий берилган. Маснавийда шундай сатрлар бор:

*Сабурдин яхши йўқдур пеша қилсам,*

*Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.*

«Латофатнома»да эса:

*Таололлоҳ бу не хусн-у жамол ул*  
*Сабр қилмоқ жамолингдин маҳол ул.*

Яъни ҳар икки асарда ҳам ишқ йўлида (ҳақиқий ишқ) сабр қилиб бўлмайди дейилган.

Мумтоз адабиётда ёр қаддини санубар (тик ўсадиган дарахт)га қиёслаш анъана ҳисобланади.

«Муҳаббатнома»да:

*Бўйинг сарв-у санубартек, белинг қил,*  
*Вафо қилган кишиларга вафо қил.*

-дейилган бўлса, Хўжандий:

*Аё, қад санубар, энги лола,*  
*Нигори маҳваши мушкин кулола.*

-дея ёр қаддини санубарга, юзини лолага қиёс қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хўжандийнинг «Латофатнома» асари бадий санъатларга бойлиги, гўзал ташбеҳлари билан аҳамиятлидир. Хўжандий ўз асарини гарчи Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида жавоб тарзида ёзган, ундаги ташбеҳ ва тасвирлардан фойдаланган бўлсада, бу ўхшатишларни янада бойитди. Вақтлар ўтиши билан «Латофатнома»да қўлланилган бадий тасвирий воситалар, айрим воқеа-ҳодисалар бошқа ижодкорларнинг асарларидан ҳам жой олди. Юртбошимиз шоир-ёзувчиларни инсон руҳининг муҳандислари деган эдилар. Хўжандий ҳам «Латофатнома» асари билан ўз давридаги адабий, ижтимоий, сиёсий ҳаётни тасвирлар экан, ўша давр муҳитидан келиб чиққан ҳолда Маҳмуд Султон қиёфасидаги комил инсонни мадҳ қилди.

Х асрда яшаб ижод қилган арман ёзувчиси Григор Нарикатскийнинг «Мусибатнома» китобида шундай сатрлар бор:

*Бу китоб жисм-у фиғонимдур менинг,*

*Бу китоб жон-у жаҳонимдур менинг.*

Хўжандийнинг «Латофатнома» асарини ҳам шундай баҳолаш мумкин ва бу асар биз - ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишимиздаги ўрни беқиёсдир!

Нигора ХАЛИЛОВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз...

## Миллий спорт - миллий рух!

Мустақиллигимиз туфайли маънавият ва маърифат соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқ миллий ўйинларимизга эътибор берилиши, баъзи бир миллий ўйинларимиз (кураш, белбоғли кураш ва ҳоказо) мазмун ва мантиқ жиҳатдан спорт тури мақомига эга бўлди. Шу йиллар ичида раҳбар ва хатто мутахассислар орасида ҳам ҳар хил миллий ўйинларимизни «миллий спорт» деб аталиши нафақат мамлакатда, халқаро миқёсда ҳам ишлатила бошланди.

Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз мазмуни ва шаклини мантиқ жиҳатдан тушуниш ва қўллаш қадимдан одат тусига кирган. Бу соҳада буюк бобомиз, газал мулканиннинг султони Алишер Навоийнинг асарлари ёшларни тарбиялашда манба бўла олади.

Қайси ўйин, қайси тур қаерда бўлмасин спорт деб аталишига асосий талаблар мавжуд. Яъни халқаро миқёсда ёки давлат миқёсда қуйидаги ҳолатлар мақом (хуқуқ) қилиб берилди:

1. Ҳар бир тур асосий мазмуни ёзма ифода этилиши.

2. Ҳар бир қоидаларининг талаб даражасида ишлаб чиқилиши.

3. Машқларнинг осон ёки қийинликлари асосида ёш, жинсларга қараб нормалар бериш (даражалар, унвонлар).

4. Мазкур тур буйича оммавий мусобақалар ташкил этиш.

5. Нишонларни (значок), рамзлар (эмблема) ва ҳоказо тасдиқлаш юқоридаги талаблар амалда қўлланилса ва улар халқаро ёки давлат спорт классификациясига қонуний киритилса, уни спорт деб аташ мумкин бўлади.

Миллий кураш ва белбоғли кураш каби спорт турларимизнинг мазмуни, қоида, мусобақа жараёнлари қадим замонлардан буён давом этиб келган. Лекин бу ўйинларни ҳеч ким ва ҳеч ерда спорт деб атамаган. Мустақиллик йилларида бу спорт турлари нафақат спорт тури дея эътироф этилди, балки халқаро спорт даражасига кўтарилди.

Худди шунингдек, кўпкари (улоқ) ўйини ҳам спорт мақомига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг истеъмолдаги атамалари ҳамда қоидалари давлат тилида такомиллаштирилди ҳамда маълум тартибга солиб борилмоқда.

Баъзи бир мутахассислар арқон тортиш, елка уриштириш, чамбаракларни айлантириш, тўпни саватга тушириш каби турли хил мураккаб, ҳаракатли ўйинларни ҳам спорт деб аташмоқда.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда

айтиш мумкинки, миллий спорт турларимиз ҳақида чуқур ва кенг маълумотлар бериб боришни ОАВ, айниқса, «Спорт» телеканали ва «Спорт» газетаси ходимлари доимий равишда олиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди.


### Мушоҳада учун мавзу

Ўқувчи-ёшлар ва талабаларга жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулотларида миллий спорт турларимиз ҳақида аниқ тушунчалар бериш зарур. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида миллий спорт турлари ҳақидаги назарий билимларни беришни чуқурлаштириш лозим.

Илмий анжуман ёки махсус семинарларда, газета ва журнал саҳифаларида, телерадио эфирларида спорт атамаларини тўғри ва ўринли ишлатиш борасида чиқишлар қилиб туриш ижобий натижа беради. Ўқувчи-ёшлар ҳамда талабаларнинг миллий спортимиз ҳақидаги илмий-назарий билимларини бойитиш, аҳолининг спорт ҳақидаги тушунчаларини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Яқуний хулоса шундаки, ўқувчи-ёшлар ҳамда аҳолининг жисмоний тарбия, спорт, ўйинлар ва ҳоказо тўғрисидаги назарий тушунчаларини кенгайтириш, янада бойитиш давр талабидир.

Алишер БЎРИБОЕВ,  
Жисмоний тарбия  
факультети ўқитувчиси.



# КУЗ МУШДИРАСИ

## ОТАМГА

Ота, сизни соғиниб кетдим,  
Дардга тўлиб қолдику юрак.  
Бу дунёдан оғриниб кетдим,  
Менга сизнинг меҳрингиз керак.

Ҳар қадамда изингиз бисёр,  
Нигоҳимда кўзингиз бисёр,  
Забонимда сўзингиз бисёр,  
Меҳрингизни соғиниб кетдим.

Баъзан ўйчан, ҳомуш бўлиб қоламан,  
Мен фироққа бардош бера оламан,  
Гоҳо бурчакларда йиғлаб оламан,  
Ота, меҳрингизни соғиниб кетдим.

Майли...

Энди ором олсин бу заҳматкаш тан,  
Жаннат сизга бўлсин абадий маскан.  
Ёдингиз улуглаб яшайин, зотан -  
Ота, меҳрингизни соғиниб яшай,  
Токи шу меҳрга сизиниб яшай..!

## ХАЁЛОТ

(...га)

Сени изладимми?  
Кимни изладим?  
Бир умр қисматга излаб тадбирлар...  
Бир умр сезмайин сени истадим,  
Ўртада бир сену мен билган сирлар...

Масофа...

Қанчайин олис масофа!  
Қалбларни боғлашга етмаган бардош.  
Дил эса шивирлар қайтса деб зора,  
Ушал сирларимдан боҳабар сирдош.

Қайсидир машойих айтган бир замон:  
«Тақдир тасодифдир, сўқирдир қисмат».  
Қалбларга пайваста шу доруломон -  
Истаклар...  
Ҳохишлар...  
Ва эзгу ният...

Коинот занжирин тортганда таранг,  
Келажак томонга чопдик «ёбу»лаб.  
Тақдир кемасини бошқариб аранг,  
Қисматга қарабми, ё қалбга қараб?

Ишонч байроқ бўлди мисли лолагун,  
Шуку қолдиқ ахир бизга ақалли.  
Келажак манзилда фақат биз учун  
Тасалли...  
Тасалли...  
Тасалли...

Энди илинжми ё ўтинчми матлаб,  
Не бўлса олайлик меҳр кафтига.  
Сен менга, мен сенга суяниб яшайлик,  
Ўтинга айланган юрак тафтида...

## МЕРОС

Мендан мерос қолсин еру самога,  
Сабрдан тоқатим, дарддан куйганим.  
Агар кетар бўлсам ўзга дунёга,  
Дунёдан топганим - ишқни туйганим.

Бир бора ҳижронли тунни ўтказиб,  
Бир лаҳза хаёллар ичра учганим.  
Хур отам, нур онам меҳрини туйиб,  
Бағримда бахтларни маҳкам кучганим.

Кафтимда авайлаб тугганим ишққа,  
Бир қатра кўз ёшим қолар дунёда.  
Дард келса борини ютганим ичга,  
Тоғлардек бардошим қолар дунёда.

Йиғласам йиғимдан дарёлар қолар,  
Куйласам куйим ҳам ўтли наводир.  
Оҳ урсам оҳимда садолар қолар,  
Гар кетсам шу шеърим сўнгги видодир...  
Ўғилой НОРБЎТАЕВА,  
Ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

## ЧОРРАҲА

Сени чорраҳада учратдим бирдан,  
Муҳаббат титрарди кўзинг ёшида.  
Ўқиндим кўзингда намоён сирдан,  
Қаерларда эдинг йўлнинг бошида?..  
Ўқиндим илк бора маккор тақдирдан.

Сенга муҳтожият сезганим чоги  
Кутгандим садоқат бекатларимда.  
Сенга қурбон эди сабрим адоғи,  
Келмадинг ҳеч қурса фитратларимда.  
Яна бир қат ошди қалбим қадоғи...

Эсингдами ўша ёмғирли кеча?  
Эсингдами ўша кайвони булоқ?  
Улкан ҳаёт йўли бошланган кўча,  
Булоқ ёнидаги бежирим қишлоқ.  
Ҳа ўша!  
Биз билган булоқли қишлоқ...

Сен кетдинг...  
(Билгандим бир кун кетишинг,  
Тақдирга азмойиш энди беҳуда)  
Мен қолдим...  
(Қолишим билганми эдинг?  
Унда умид бердинг айтгинчи нега?!)  
Умрбод ёнингда қоламан дердинг...

Сени чорраҳада учратдим бирдан,  
Кўзимни чирт юмдим, ташладим одим.  
Воқифман кўзингда яширин сирдан,  
Бир кун кетишинг охир билардим.

Сенинг чорраҳангдан энди ўтмайман!

Орифжон ОДИЛОВ,  
Навоий номидаги давлат  
стипендияси совриндори.

## ҲАМ ҚАДИМИЙ - ҲАМ БОЙ ТИЛ

Тил - миллатнинг руҳи, жамиятнинг маънавий-маърифий бебаҳо бойлигидир. Олимларнинг эътирофича, дунёда уч мингдан ортиқ миллат ва элатнинг сўзлашадиган ўз тили мавжуд. Демак, ер юзиде турли миллатлар бўлгани каби уларнинг ҳам ўз она тиллари, бой маданий, маънавий тарихи, буюк аждодларининг ўлмас мероси борлигини эътироф этиш керак.

Туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тили ҳам дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тилда буюк аждодларимиз қалам тебратишган, ўзбек тилини улуглаб, келгуси авлодларга заҳматли ижод маҳсули бўлмиш бебаҳо адабий мерос қолдиришган. Ана шундай буюк меросимиз асосини XI асрда бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луготит-турк» номли тилшуносликка бағишлаган асари ташкил қилган бўлса, XII асрда яшаб ижод қилган Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс Розий эса тилшунослик шеваларига бағишланган туркча лугат китобини тузганди. Шунингдек, ўзбек шеърининг буюк алломаси Мир Алишер Навоий ҳам ўзбек тилига тамал тошини қўйган буюк шахслардан ҳисобланадилар.

Тилнинг ривожланиши жамият ҳаёти, тараққиёти билан бевосита боғлиқдир ва ундаги ўзгаришлар, албатта, тилда ҳам ўз аксини ифода этади. Шу боис, 1989 йилнинг 21 октябрь кунини она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши мустақиллик сари қўйилган илк қадамлардан бири эди. Бу қонун миллий-маънавий тикланишнинг устувор ютуқларидан биридир. 1995 йилнинг 21 декабрь кунини ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрирда қабул қилиниши ўзбек тилининг янада бойиши ва ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар яратиб берди. Тил ҳақида қабул қилинган қонуннинг даражаси, савиясига қараб, халқнинг сиёсий онги, миллий камолоти, маънавий даражасини билиш ва англаш мумкин. Мазкур қонунлар она тилимизнинг имкониятлари ҳамда куч-қудратини оширди, миллатимизни янада жипслаштирди. Ҳар бир фуқаро ўз она тилида эркин сўзлашадиган, мустақил фаолият юритадиган ҳуқуққа эга бўлди.

Мана, 26 йилдирки, ушбу сана мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Халқимизнинг ўз тилига, элига бўлган чексиз муҳаббати, ижодкорлик қудрати тил масалаларида миллийлик нуқтаи назардан қарашида намоён бўлди. Айни пайтда фақат она тилимизни улуглаб, бошқа тилларни ўрганишни эътибордан четда қолдирадиган бўлса, кўзлаган мақсадларга етишиш мушкул. Шу боис, хорижий тилларни пухта ўрганишга давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилиб, ёшларимиз чет элларда таҳсил олиш, меҳнат қилиш ва юртимиз довуғини жаҳонга ёйишдек юксак имкониятларга эга бўлмоқдалар.

А. БИНОҚУЛОВ.

## Дуққам! Дуққам!

Ҳурматли газетхонлар!

Севимли газетамиз «Зиё чашмаси»нинг 2016 йил учун обунаси бошланди!

Институтимиз ижтимоий ҳаётидаги энг сўнгги янгиликлар, фаннинг турли соҳаларидан қизиқарли мақолалар, талабаларимиз ижодидан намуналар, ҳикоя ва назм бўстонидан баҳраманд бўлишни истайсизми?

Унда шошилинг!

Газетамизнинг бир йиллик обуна нархи 10 000 (ўн минг) сўм.

Таҳририят

## Ziyo chashmasi

МУАССИС:  
Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.  
Босишга топширилган вақти - 19.00  
Топширилди - 18.00

Манзил:  
Ш. Рашидов  
шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат педагогика  
институтини.

«Жиззах-принт»  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Жиззах шаҳри, 130100.  
Сайилжойи кўчаси,  
4-уй.

Офсет усулида 3546 нусхада босилди.  
Буюртма № 489 Shaki-A-3.